

# **Одам савдоси – аср муаммоси**

Сўнгги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёning қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда. Орадан йиллар ўтган сари одам савдосига қарши кураш дунёning барча мамлакатларида амалда бўлмасин, бу муаммо бизни ҳозирги кунда ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ваadolatli фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна соловчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси долзарб муаммолардан бирига айланди. Унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, давлатимиз 2003 йил 12 декабря БМТ Боз Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган Конвенцияга қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Боз Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияга ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди. 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда 2008 йилнинг 8 июлида «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор билан юқоридаги қонун нормалари амалга янада самарали тадбиқ этилмоқда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссиянинг кенг фаолият юритиши, жиноятчиларни фош этиш ва жиноят қурбонларини ҳимоялаш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалалари янада такомиллаштирилиб, уни амалиётга кенг тадбиқ этган ҳолда, халқаро миқёсда амалга оширилса, қўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

**Сурхондарё вилоят суди**

**жиноят ишлари бўйича**

**судлов ҳайъати судьяси**

**К.Назаров**